

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc. 02/30.12.2019. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ЁСИН АБДУЛБОҚИЕВИЧ ОРТИҚОВ

**ЎЗБЕКИСТОН ДУНГАНЛАРИНИНГ
ЭТНОМАДАНИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШИ**

07.00.07. – Этнография, этнология ва антропология

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент, 2022

УДК: 94.001.361:39(5)(043.3)

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Ёсин Абдулбоқиевич Ортиқов
Ўзбекистон дунганларининг этномаданий ўзликни англаши 3

Ёсин Абдулбоқиевич Ортиқов
Этнокультурная идентичность дунган Узбекистана 25

Yosin Abdalbokiyevich Ortikov
Ethno-cultural identity of the Dungans of Uzbekistan 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc. 02/30.12.2019. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ЁСИН АБДУЛБОҚИЕВИЧ ОРТИҚОВ

**ЎЗБЕКИСТОН ДУНГАНЛАРИНИНГ
ЭТНОМАДАНИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШИ**

07.00.07. – Этнография, этнология ва антропология

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент, 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2021.4.PhD/Таг.372. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fati.uz) ҳамда "ZiyoNET" Ахборот таълим портали (www.ziyo.net)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Адҳамжон Азимбаевич Аширов
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алишер Худойбердиевич Дониёров
тарих фанлари доктори, профессор

Гулнора Комилжоновна Валихонова
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Фанлар академияси
Миллий археология маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражаларни берувчи DSc. 02/30.12.2019. Таг.56.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «14» январ соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уй, Фанлар академияси асосий биноси, 110-хона. Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: info@fati.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2022 йил «5» январ куни тарқатилди.
(2022 йил «5» январдаги 1 рақамли реестр баённомаси).



Азамат Зиё
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, тарих
фанлари доктори, профессор

Х. С. Жуманазаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)

Н. А. Аллаева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, тарих фанлари
доктори, катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрда юз бераётган ижтимоий ва маданий жараёнлар инсонларнинг яхши ҳаёт илинжида ўз ватанларини вақтинча ёки бутунлай ташлаб, ўзга юртларга кетишига сабаб бўлмоқда. Натижада, ўзга маданий муҳитда яшаётган миллатларнинг этномаданий ўзликни англаши ва уларнинг янги жамиятга мослашув жараёнини илмий асосда ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳоннинг ривожланган илмий тадқиқот марказларида турли диаспоралар этнологияси, миллатлараро тинчлик ва маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришни илмий асосда ўрганишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада Халқаро диаспора ва маданиятлараро тадқиқотлар институти (IIDTS) ҳамда Буюк Британиянинг SOAS университети қошидаги “Диаспора ва миграцияни ўрганиш маркази”да диаспораларга оид хос маданиятлар, хусусан, миллий ва этномаданий ўзликни англаш, миллатлараро муносабатлар, миллий ҳамда диний қадриятлар уйғунлашуви ва этномаданий бағрикенглик масалалари илмий асосда ўрганилмоқда.

Мамлакатимизда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, дўстлик ҳамда кўп миллатли ягона оила туйғуси муҳитини мустаҳкамлаш, кўп миллатли жамиятда турли диаспораларнинг ўзига хос миллий анъаналари ҳамда урф-одатларини асраб-авайлаш бўйича бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Бу соҳада қилинаётган ишлар хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев: “Бизнинг давлат сиёсатимизда бундан буён ҳам барча миллат ва элат вакилларининг миллий ўзлигини, она тили ва маданиятини, дини, урф-одат ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга устувор аҳамият берилади”¹, деб алоҳида таъкидлади. Шу жиҳатдан, кўп миллатли ўзбек жамиятининг бир бўлаги ва маданий ранг-барангликнинг ёрқин намунаси ҳисобланган дунганларнинг этномаданий ўзликни англаши, тили ва маданиятини элшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида келтирилган “фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш” ва 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сон “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ҳамда соҳага оид бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ Мирзиёев Ш. М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз / Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи / www.president.uz/uz/lists/view/4743 (фойдаланилган сана: 15. 12. 2021).

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мос эканлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур мавзуга доир адабиётларни тўртта гуруҳга бўлиш мумкин: 1) XIX аср охири – XX аср 30-йилларигача бўлган адабиётлар; 2) XX аср 30-йиллари охири – 1954 йилларига оид нашрлар; 3) 1954 йил – 1990 йиллар ўрталарини ўз ичига олган илмий тадқиқотлар; 4) Мустақиллик йилларида амалга оширилган илмий изланишлар.

Биринчи гуруҳга оид тадқиқотлар XIX аср охири – XX аср 30-йилларигача бўлган даврда яратилган бўлиб, уларда асосан, дунганларнинг келиб чиқиши, этнографияси, дунганлар кўзғолони ва уларнинг Россия империяси ҳудудига кўчиб келишининг дастлабки босқичлари билан боғлиқ жараёнлар таҳлил қилинган².

Иккинчи гуруҳ адабиётлари XX асрнинг 30 йиллари охири – 1954 йилларга бўлиб, ушбу даврнинг дастлабки босқичида дунганлардан миллий кадрларнинг етишиб чиқиши билан боғлиқ. Мазкур даврнинг сўнгги чегараси сифатида 1954 йилнинг белгиланишига эса Бишкек ва Олма-ота шаҳарларида дунганшунослик илмий марказларининг фаолият бошлаши тизимли тадқиқотларнинг амалга оширилишига асос бўлган.

Учинчи гуруҳ 1954–1990 йилларнинг ўрталарига оид илмий тадқиқотларни қамраб олади. Чунончи, 1954 йилда Қирғизистон ССР Фанлар академияси таркибида “Дунганшунослик” маркази очилган бўлиб, ушбу марказ томонидан дунганшуносликка оид тизимли изчил тадқиқотлар бажарилган. Айниқса, дунганлар тарихи ва маданиятига бағишланган

² Валихонов Ч. Восстание дунган в западном крае Китайской империи. – Кульджа: 1864. – 64 с.; Гейнс А. К. О восстании мусульманского населения, или дунганей в Западном Китае // Военный сборник. 1866. №8. – С. 185–208; Куропаткин А. Н. Кашгария. Историко-географический очерк страны, ее военные силы, промышленность и торговля. Издание Императорского Русского Географического общества. – Санкт-Петербург: 1879. – 435 с.; Сосновский Ю. Экспедиция в Китай в 1874–1875 гг. – Москва: 1882. Т.1 – 664 с.; Селицкий И. В. Кульджинские переселенцы пограничной с Китаем полосы. – Казань: 1905. – 82 с.; Гинс Г. К. Таранчи и дунгане (Очерки изъ поѣздки Семирѣчью) // Исторический вѣстникъ. 1911. – С. 672–708; Кафаров П. И. О магометанах в Китае / Тр. чл. Российской духовной миссии в Пекине. – Санкт-Петербург: 1866. Т.4 – С. 436–452; Васильев В. П. О движении магометанства в Китае. – Санкт-Петербург: 1867; Переиздано под названием “Магометанства в Китае” // Васильев В. П. Открытие Китая и другие статьи. – Санкт-Петербург: 1900; Мулла Билол ибн Мулла Юсуф. Китоби дар мулки Чин. Кулжа. 1293 хижрий (1872 милодий). / Изданный Н. Н. Пантусов. – Казань: Въ университетской типографіи, 1880. – 170 с.; Зеланд Н. Л. Кашгария и перевалы Тянь-Шаня. Путевыя записки. Печатано по распоряженію Западно-Сибирскаго Отдѣла Императорскаго Русскаго Географическаго Общества. – Омскъ: 1888. – 213 с.; Поярков Ф. В. Последний эпизод дунганского восстания. – Верный: 1901; Ўша муаллиф. Дунгане селения Каракунузь Пишпеѣкскаго уезда Семирѣченской области (Этнографическіе очерки). (Свадьба. Цой-си-фур). // Этнографическое обозрѣніе. 1907. №4. – С. 1–67; Ўша муаллиф. Сватовство (Ше-мий) у дунган // Этнографическое обозрѣніе. 1903. №3. – С. 38–75; Ўша муаллиф. Краткіе этнографическіе заметки о туземцахъ бывшаго Кульджинскаго района. – Омбы: 1883; Hartmann M. Chinesisch-Islamisches // Orientalistische litteratur-zeitung. – No.7. Juli, 1908. – S. 283–285; Waldemar J. Peoples of Asiatic Russia / The Dungan. New York, The American Museum of Natural History. 1928. – Pp. 104–105.

тадқиқотлар³ муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, бу даврда қатор мутахассислар томонидан бажарилган тадқиқотларда дунганлар этногенези ва уларнинг маданий мослашув жараёнига оид масалалар ёритилган⁴.

Тўртинчи гуруҳга оид адабиётлар мустақиллик йилларидаги илмий изланишларга бағишланган бўлиб, ушбу даврда Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия ва Хитой олимлари томонидан бир қатор тадқиқотлар олиб борилган⁵.

Хуллас, мавзунинг тарихшунослик қисмига хулосас сифатида шуни айтиш мумкинки, турли тарихий даврларда дунганлар тўғрисида кенг кўламли илмий изланишлар олиб борилганига қарамасдан, Ўзбекистон дунганларининг этномаданий ўзликни англаш масалалари атрофлича ва элшунослик йўналишида изчил ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ЁФ1-ФА-0-12230 “Ўзбеклар миллий идентиклигининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари” (2018-2019 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон дунганларининг этномаданий ўзликни англаши ва уни сақлаб қолиш омилларини элшунослик маълумотлари асосида очиб беришдан иборат.

³ Юсуров Х. Образцы фольклора советских дунган (Дооктябрьская революция, книга 1). – Фрунзе: Илим, 1960. – 137 с.; Шинло Л. Социалистические преобразования в хозяйстве, культуре и быте дунган. – Фрунзе: Илим, 1982. – 135 с.; Имазов М. О частях в дунганском языке // Отв. ред. П. Нурмекунд. Дунгановедение. Труды по востоковедению. Oriental Studies V. – Тарту: 1979. – С. 75–84; Юсупов И. Советские дунгане в годы Великой отечественной войны. – Фрунзе: Илим, 1971. – 72 с.; Сушанло М. Очерки истории советских дунган. / Под. ред. С. Стратановича. – Фрунзе: Илим, 1967. – 292 с.; Шинло Л. Культура и быт советских дунган. – Фрунзе: Илим, 1965. – 92 с.; Джон А. А. Дунганские прозвища / Материалы по востоковедению. – Фрунзе: 1984. Вып. 1. – С. 55–61.

⁴ Тихонов Д. Характер народно-освободительных движений в Синьцзяне в XIX в. и первой трети XX в. // Советское Востоковедение. Том VI. Москва – Ленинград: АН СССР, 1949. – С. 336-347; Линь Гань. Об этногенезе дунган // Советская этнография. Вып. I. – Москва: АН СССР, 1954. – С. 42-56; Кычанов Е. Новые материалы об этногенезе дунган // Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. XII годичная научная сессия ЛО ИВ АН СССР (краткие сообщения), Част 1. – Москва: Наука, 1977. – С. 31-38; Решетов А., Седловская А. Влияние межэтнических контактов на антропонию дунган // Ономастика Средней Азии. – Москва: Наука, 1978. – С. 162-164; Рифтин Б. Новые материалы по традиционной дунганской народной песне // Советское востоковедение. №5. – Москва: 1956. – С. 118–129.

⁵ Савуров М. Д., Савуров М. М. Дунганская семья: прошлое и настоящее / Изд. 2-е. доп. – Ташкент: 2015. – 207 с.; Ўша муаллифлар. Современные этнические процессы у национальных групп Узбекистана. – Ташкент: Национальная библиотека Узбекистана им. А. Навои, 2016. – 188 с.; Хўжаев А. Хитойда ислом дини, мусулмонларнинг ҳозирги аҳволи ва уларни ўрганиш масалалари / Ислом ва хорижий Шарқ. – Тошкент: 1992. – Б. 40–42; Ўша муаллиф. Тунгонлар // Шарқшунослик. 1995. №6. – Б. 135–139; Холмуродов Т. Дунганлар этномаданияти // Тафаккур. 2013. №3. – Б. 123–124; Имазов М. Восприятие поэзии Ясыра Шиваза в Китае / Диалог учёных на Великом Шёлковом пути.... – С. 36–48; Бугазов Х., Дўвазы Б. Шызыкүз (дун. яз). – Бишкек: КЫРГЫЗСТАН, 1996. – 120 с.; Маджун Д. С. Куьтурное сторительство дунган Кыргызстана. Автореф. кан.ист.наук. – Бишкек: 1992; Джон А. А. Обычаи, обряды и поверья Дунган Кыргызстана и Казахстана. – Бишкек: Илим, 2007. – 99 с.; Кадырбаев А. Ренесанс ирано-арабской мусульманской культуры в Китае под властью монголов и этногенез хуэй и дунган XIII–XIV вв. // Иран-наме. 2007. №3. – С. 54–71; Мўқанова А. Қўрбанғали Халидтің “Тауарих-и хамса-йи шарқи” (“Шығыстың бес елінің тарихы”) еңбегіндегі дунгнелердің тарихы мен этнографиясы жөнінде // Вестник итории. 2005. №2 (38). – С. 14–17; Хохлов А. Н. Дунганское восстание в Китае 1860–1870-х годов и поездка академика В. П. Васильева в Кульджу в 1890 году // Восточный архив. 2013. №2 (28). – С. 7–19.

Тадқиқотнинг вазифалари:

диаспора ва этномаданий ўзликни англаш билан боғлиқ илмий-назарий ёндашувларни таҳлил этиш;

дунганларнинг минтақада жойлашув хусусиятлари, уларнинг этномаданий ўзликни англаш жараёнларига таъсир қилган диний ҳамда тил омилларини этнографик материаллар асосида ўрганиш;

дунган этномаданий ўзликни англашида ислом дини ва диний анъаналарнинг ўрни ҳамда Россия империяси ва советлар даврида юз берган сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳамда маданий ўзгаришларни, дунган тили ва антропонимларининг ўзгаришини илмий асосда очиқ бериш;

дунган ёшларида этномаданий ўзликни англашнинг шаклланиши ва турли ёш босқичларининг ўзликни англашдаги умумий ҳамда фарқли жиҳатларини кўрсатиб бериш;

дунган оиласи ва оилавий анъаналарнинг ўзгариши, аралаш никоҳ ҳамда уларнинг этномаданий ўзликни англашга таъсири, шунингдек, мустақиллик йилларида Ўзбекистон дунганларининг маданиятидаги ўзгаришларни ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона водийси, Тошкент шаҳри ва вилоятида яшовчи дунганлар белгилаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети дунганлар этномаданий ўзига хослигида дин ва диний анъаналарнинг ўрни, дунган тили, хўжалик-маданий анъаналари, оила ҳамда аралаш никоҳ, миллий урф-одатлари, дунган ёшларининг ижтимоийлашуви ва этномаданий ўзликни англаш жараёнларини этнологик жиҳатдан ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий-қийсий, тизимлилик, географик детерминизм, этносоциологик тадқиқот усуллари (кузатув, интервью, анкета, сўровнома) фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Хитойдан кўчиб келган шенсилик дунганлар Ўзбекистонда ўзбек тилини билмаганлиги сабабли ўзбекларга аралашмай яшаганлиги ўз тилини сақлашга хизмат қилган бўлса, гансулик дунганларнинг маҳаллий тилни билиши ва тарқоқ жойлашуви ўз тилини қисқа фурсатда унутишига сабаб бўлганлиги аниқланган;

Ўзбекистонда яшаётган дунганларнинг этномаданий ўзликни англаши дунган тили (*гансу ва шенси лаҳжаси*), моддий маданият (*этноним, таом, кийим, соч турмаги*), маросимлар (*совчилик, куёв салом*) асосида шаклланганлиги элшунослик материаллари билан далилланган;

этник ўзликни англашдаги ўзгаришлар Фарғона водийси дунганларида доимий равишда, Тошкент шаҳри ва вилоятида сушт кечганлиги уларнинг миллий машғулотлари, оилавий анъаналари, дунган тилининг ўзгариши мисолида юз бергани аниқланган;

ўзбек миллий ошхонасига янги таом ва маҳсулотлар (*соя сиркаси, дунган қалампири, крахмалли угра, жандуқ, дунган турп, дунган редискаси*)нинг кириб келиши дунганларнинг ўлкага кўчиб ўтиши билан

содир бўлган тифиз этномаданий алоқалар натижасининг маҳсули эканлиги этнографик материаллар асосида исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Тадқиқотда этнология фанида эътироф этилган замонавий ёндашув ва усуллардан фойдаланган ҳолда социологик интервью ва сўровномаларнинг ишлаб чиқилиши дала этнографик тадқиқотлари тўла амалга оширишга ёрдам берди. Жами 50 та интервью ва 100 та сўровнома (Тошкент вилояти – 13/26, Тошкент шаҳри – 15/23, Андижон шаҳри – 12/25, Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти – 13/26) ўтказилган.

Тадқиқот натижасида чиқарилган илмий хулосалар замонавий фан тармоқлари (тарих, этнология, тилшунослик, антропология, маданиятшунослик) йўналишларидаги тадқиқотларга асос бўлиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон дунганларининг этномаданий ўзликни англашани ўрганишда замонавий этнология фанида эътироф этилган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, кўп турдаги тарихий-этношунослик адабиётларидан фойдаланилгани, бирламчи халқшунослик манбаларига асослангани, миллий ва халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилингани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон дунганларининг этнографияси, тарихшунослиги ва этномаданий ўзликни англашани ўрганиш ҳамда Республикада диаспорология йўналишидаги тадқиқотларни ривожлантиришнинг омилларидан бири бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувликни таъминлашга доир таҳлилий маълумотлар тайёрлаш, Республикада яшаётган халқлар ва диаспоралар тарихи, маданиятига оид илмий-оммабоп нашрлар, кўрсатувлар, ва миллий бағрикенгликка бағишланган илмий лойиҳаларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон дунганлари этномаданий ўзликни англашани этнологик жиҳатдан ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ҳамда хулосалар асосида:

диаспора тушунчаси ва унинг вазифалари, диаспораларнинг тарихи, маданияти ва анъаналарини сақлаб қолишнинг муҳимлиги каби илмий хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси”нинг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг бешинчи устувор йўналиши ҳамда 2019–2021 йилларда Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий

мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси”нинг 2020 йил 20 ноябрдаги 01-07-1416-сон далолатномаси). Бу Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва ҳамжихатликни ривожлантириш, ёшларни миллий қадриятлар ҳамда диний бағрикенглик ғоялари асосида тарбиялашга хизмат қилган;

дунганларнинг этномаданий ўзликни англашидаги ўзгаришлар, хусусан, этнолингвистик жараёнлар XX асрда содир бўлган тарихий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар билан боғлиқ тарзда юз берганлиги, дунган халқи турмуш тарзида миллий ҳамда диний урф-одатлар уйғунлашувида оид хулосаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston tarixi” телеканали орқали эфирга узатилган “Etno” кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 16 декабрдаги 01-40-1303-сон далолатномаси). Бу мамлакатимизда яшовчи 130 дан ошқ халқлар ва диаспораларнинг тарихи, маданияти ҳамда турли этносларга хос миллий қадриятларини кенг оммага етказишда муҳим илмий асос бўлган;

дунганларнинг этномаданий ўзликни англашида ислом дини, дунган тили, миллий таомларива анропонимларнинг асосий ўрин тутганлиги ҳақидаги хулосаларидан Республика “Маънавият ва маърифат” марказининг 2020 йил 7 февралда Наманган вилояти Янгиқўрғон туманининг қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадош худудида жойлашган Нанай қишлоғида ўтказилган “Маънавият” фестивалида ҳамда 2020 йил 18 сентябрда “Нодирабегим” номидаги Наманган вилояти “Ахборот-ресурс” марказида ташкил этилган “Миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва аҳил кўшничилик муносабатлари” мавзусидаги тадбир сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Республика “Маънавият ва маърифат” марказининг 2021 йил 6 январдаги 03/07-05-сон далолатномаси). Бу эса минтақа ва мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ҳамда дўстликнинг тарихий асосларини кенг оммага тарғиб қилишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш нашр этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси рўйхатидан ўрин олган Республика ва хориж журналларида чоп этилган 5 та (3 та республика, 2 та хорижий) мақола, 12 та тезисларда ўз аксини топган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 152 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларининг ишончлилиги, апробацияси, жорий қилиниши, диссертация натижаларини эълон қилинганлиги ҳамда таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг **“Муаммонинг назарий-услубий асослари ва тарихшунослиги”** деб номланган биринчи бобда “диаспора” тушунчасининг таъриф ва тавсифи, уларнинг мақсад ҳамда вазифалари, муаммонинг ўрганиш услублари тўғрисидаги маълумотлар берилган. Шунингдек, мавзунинг тарихшунослик қисми ҳам айнан ушбу бобда таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг **“Диаспоранинг моҳияти, таснифи ва вазифаси”** деб номланган биринчи параграфда “диаспора” ва диаспорология билан боғлиқ турли илмий терминлар тавсифи ҳамда таснифи берилган.

Диаспорология йўналишидаги тадқиқотларни шартли равишда *ижтимоий, сиёсий ва этник* каби йўналишларга ажратиш мумкин.

“Ижтимоий” йўналиш тарафдорлари диаспора феноменини тушунтиришда асосий эътиборни ижтимоий институтларга қаратади. Ушбу йўналиш тарафдорларидан бўлган Ж. Т. Тошенко ва Т. И. Чаптыковалар: *“Диаспора – ўзининг тарихий ватанидан ташқарида, хорижий муҳитда яшайдиган, ушбу жамоанинг ривожланиши ва фаолият юритиши учун ижтимоий муассасаларга эга, этник келиб чиқиши бир бўлган кишилар жамоасидир”*⁶ деб ёзаган эди. Умуман олганда, ушбу йўналишнинг муҳим жиҳати диаспоранинг асосини этник жамоа эмас, балки ижтимоий муассасаларга қаратганлиги, деб ҳисоблаш мумкин.

“Сиёсий” ёндашув тарафдорлари эса диаспорани сиёсий ҳодиса тарзида баҳолайди. Улар асосий эътиборни диаспора ҳаётидаги *“Ватан”* ва *“сиёсий чегаралар”* тушунчалари атрофидаги муаммоларга қаратади⁷. Чунки, уларнинг тушунтиришича, фақатгина тарихий миллий давлатидан ташқарида яшаётган ҳар қандай этник жамоа диаспора бўла олади.

“Этник” йўналиш тарафдорлари диаспорани нисбатан кенг ҳодиса, деб талқин қилади ва унга барча этник гуруҳлар, ҳатто тарихий ватанига эга бўлмаганларини ҳам киритади⁸. Бунда мазкур диаспора вакиллари ўзаро тил, дин ва урф-одатлар орқали руҳий боғлиқ бўлишлари шарт. Диаспора аъзолари ўртасидаги умумий жиҳатлардаги маданий боғлиқлик руҳининг йўқолиши ёки заифлашуви унинг ассимиляцияга учрашига олиб келади.

⁶ Тошенко Ж. Т., Чаптыкова Т. И. Диаспора как объект социологического исследования // Социс. – Москва: 1996. №12. – С. 37.

⁷ Тишков В. А. Исторический феномен диаспоры / Национальные диаспоры в России и за рубежом в XIX – XX вв. – Москва: 2001. – С. 9–44.

⁸ Арутюнов С.А. Диаспора – это процесс // Этнографическое обозрение. 2000. №2. – С. 74–78; Семенов Ю. И. Этнос, нация, диаспора // Этнографическое обозрение. 2000. №2. – С. 64–74.

Мазкур диссертацияда диаспорани таҳлил қилишда ижтимоий ва этник йўналишларни ҳам тўлиқ инкор этмаган ҳолатда асосан, сиёсий ёндашувдан фойдаланилди. Чунки, айнан ушбу ёндашув жараёнида диаспора ва этник гуруҳ ўртасидаги чегара аниқ намоён бўлади.

Диаспораларнинг таснифи ҳам мураккаб бўлиб, Р. Коэн диаспораларни тўртта гуруҳга: а) жафокор диаспоралар (арманлар, яхудийлар); б) меҳнат диаспоралари (хиндлар); в) империал диаспоралар (инглизлар, руслар, французлар); г) савдо диаспоралари (хитойликлар) бўлган⁹. Ушбу тасниф бўйича олиб қараладиган бўлса, дунганларни ҳам жафокор диаспоралар қаторига киритиш мумкин.

“Диаспора” тушунчаси ва моҳиятининг таҳлилий хулосаларига асосланиб, Ўзбекистон дунганларини тўла маънода диаспора деб аташ мумкин. Чунки, *биринчидан*, улар тарихий ватанидан узоқда яшамокда; *иккинчидан*, дунганлар маълум жиҳатдан ўз маданиятини сақлаб, келажакда ҳам давом эттиришга интиломда. Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида яшаётган дунганлар ўзларини шу миллат вакиллари эканлигини англаш ҳисси йўқолмас экан, уларни диаспора аъзолари сафидан чиқариш мумкин эмас. Чунки, улар ўзини дунган диаспораси аъзоси сифатида билади ва дунганлар учун ўзлик ҳиссининг сақланиб қолиши уларнинг ҳаётида муҳим жиҳат ҳисобланади.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш мумкинки, “диаспора” тушунчаси пайдо бўлишидан то бугунги кунга қадар ўзига хос йўлни босиб ўтган бўлиб, ривожланиш натижасида мазкур атама янада кенгроқ тушунчага айланди.

Диаспоралар моҳияти, вазифа ва таснифлари таҳлили асосида шуни қайд этиш мумкинки, унинг яшаб қолиши кўплаб омилларга боғлиқ. Диаспора ўз вазифаларини мукамал тарзда бажарганда унинг ўзга маданий жамоада яшаб қолиш давомийлиги узаяди, акс ҳолда, унинг йўқолиб кетиш эҳтимоли юзага келади.

Диаспора қуйидаги омиллар асосида йўқ бўлиб кетиши мумкин:

- диаспора аъзоларининг тарихий ватанига қайтиши;
- маҳаллий аҳоли таркибига сингиб кетиши (табiiй ёки мажбурий);
- жисмонан йўқ қилиш.

Тадқиқотлар жараёнида олинган хулосаларга асосланиб, Ўзбекистон дунганлари борасида уларнинг сони нисбатан кам эканлиги учун табиий равишда маҳаллий аҳоли таркибига сингиб кетиш эҳтимоли юқори бўлишини илмий фараз сифатида қайд этиш мумкин.

Мазкур бобнинг кейинги параграфида мавзу доирасида бажарилган тадқиқотлар тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган бўлиб, унда дунганларга оид тадқиқотлар қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилди:

XIX аср охири – XX аср 30-йиллари охиригача бўлган даврдаги наишрлар. Ушбу даврда яратилган асарларда кўпроқ дунганларнинг келиб чиқиш

⁹ Cohen R. Global Diaspora an introduction. – Routledge, London and New York: 2008. – P. 160.

тарихи, Хитойдаги дунганлар кўзғолони ва дунганларнинг Россия империяси ҳудудига кўчиб ўтиши билан боғлиқ жараёнлар ёритилган¹⁰.

Умуман олганда, биринчи гуруҳга мансуб асарларда қайд қилинган маълумотлар муаллифларнинг шахсий кузатувлари асосида баён қилингани тадқиқотларнинг илмий қийматини янада оширади ва ушбу муаллифларнинг деярли кўпчилиги бевосита дунганлар ёки улар истиқомат қиладиган ҳудудлар билан алоқадор бўлган. Аниқроқ ифодалаганда, мазкур муаллифлар дунганлар билан яқиндан таниш бўлганлиги сабабидан ҳам келтирган маълумотлари асосли ва ишончлилиги бўйича муҳим илмий қийматига эга. Бироқ муаллиф қайси ҳудудда яшаса, қайси ҳудудни ўрганса, дунганлар ҳақидаги маълумотлар чекланган бўлгани сабабли уни бошқа ҳудуддаги дунганлар ҳақидаги маълумотлар билан қиёслаш ва умумлаштириш ишлари амалга оширилмаган.

XX асрнинг 30-йиллари охири – 1954 йиллардаги нашрлар. Дунганлар тарихшунослигининг иккинчи босқичи XX асрнинг 30-йилларидан бошланган бўлиб, ушбу даврга келиб дунганлар орасидан миллий кадрлар етишиб чиқди. Шу сабабли миллий маданият, тарих ва тил каби масалалар билан шуғулланувчи маҳаллий кадрлар нуфузининг ортгани билан мазкур даврнинг ўзига хос эканини қайд этиш мумкин. Ушбу даврнинг сўнгги чегараси сифатида 1954 йилнинг белгиланиши эса Бишкек ва Олма-Ота шаҳарларида дунганшунослик илмий марказлари ташкил этилиши натижасида ушбу йўналишда тизимли тадқиқотларнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлиб, кейинги йиллардаги дунганшуносликка оид илмий изланишларнинг аксарияти айнан ушбу марказларда бажарилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қолаверса, мазкур даврда дунган тили ва алифбосига бағишланган тадқиқотлар ҳам кенг кўламда олиб борилди¹¹. Тилнинг миллат ўзлигини англашидаги ўрни муҳим эканлигини ҳисобга олиб, турли этник гуруҳларни миллат сифатида шакллантириш учун миллий тил ва ёзувлари яратилди.

Қизиғи шундаки, ушбу даврда Ўзбекистон дунганларига бағишланган тадқиқотлар деярли учрамайди. Чунки, дунганларнинг дастлабки кўчиб келиши XIX аср сўнгидан бошланган бўлса-да, уларнинг Ўзбекистон

¹⁰ Гейнс А. К. О восстании мусульманского населения или дунганей, в Западном Китае // Военный сборник, 1866. №8. – С. 185–208; Селицкий И. В. Кульджинские переселенцы пограничной с Китаем полосы. – Казань: 1905. – 82 с.; Гинс Г. К. Таранчи и дунгане (Очерки из поездки Семирчью) // Исторический вѣстникъ. 1911. – С. 672–708; Кафаров П. И. О магометанах в Китае // Тр. чл. Российской духовной миссии в Пекине. – Санкт-Петербург: 1866. Т.4 – С. 436–452; Поярков Ф. В. Последний эпизод дунганского восстания. – Верный: 1901.

¹¹ Иванов А. Борьба за алфавит в Китае // Новый Восток. 1929. №26–27. – С. 256–260; Пашков Б. Проблема латинизации Китайского иероглифического письма в свете нового учения о языке // Культура и письменность Востока. Книга 7–8. ВЦК НА. – Москва/Баку: 1931. – 244 с.; Яншансин Ю. Проект орфографии дунганского языка. – Фрунзе: Киргизгосиздат, 1937. – 77 с.; Ўша муаллиф. Тоны и ударения в дунганском языке. – Фрунзе: 1940. – 39 с.; Ўша муаллиф. Gansyn de şanşı fonjan – Гансуйский и шеньсийский диалекты дунганского языка. – Фрунзе/Казань: Хьgwjəwban, 1938. – 22 с.; Поливанов Е. Д. Фонологическая система гансуйского наречия дунганского языка / Проект орфографии дунганского языка. – Фрунзе: Киргизгосиздат, 1937. – С. 30–40; Ўша муаллиф. Музыкальное слогаударение, или “тоны” дунганского языка / Проект орфографии дунганского языка..... – С. 41–58; Ўша муаллиф. О трех принципах построения орфографии / Проект орфографии дунганского языка..... – С. 59–71.

худудига оммавий кўчиб келиши (ҳозирги дунганларнинг асосий қисми) 1935–1936 йилларга тўғри келади¹². Айнан ушбу йилларда кўчиб келган дунганлар борасида статистик маълумотлар З. Амитин-Шапиро томонидан берилган бўлиб, мазкур тадқиқот дунганларга оид нодир илмий изланишлардан бири саналади¹³.

1954–1990 йиллар ўрталаридаги илмий тадқиқотлар. Тарихдан маълумки, иккинчи жаҳон урушининг якуни, давлат ва жамият ҳаётининг тикланиши билан турли фан соҳалари, хусусан, ижтимоий фанларда ҳам илмий тадқиқотлар жадаллаша бошлади. Илм-фан соҳаларининг илдамлашуви дунганшунослик йўналишидаги тадқиқотларнинг янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлди. Дунганшуносликка оид тадқиқотлар тарихшуносликнинг учинчи босқичининг 1954 йилдан бошланиши юқорида қайд қилинганидек, “Дунганшунослик” марказлари фаолиятининг бошланиши билан боғлиқ бўлди. Натижада, 1954 йилда Қирғизистон ССР Фанлар академияси таркибида “Дунганшунослик” бўлими очилди. Ўтган 60 йилдан ошиқ вақт мобайнида мазкур марказларда дунганлар тарихи ва маданиятига бағишланган кўплаб тизимли тадқиқотлар амалга оширилди¹⁴.

Мустақиллик йилларидаги наирлар. Мазкур даврда бир томондан, Ўзбекистон Республикасининг миллий мустақилликка эришиши, бошқа томондан эса Хитойда Марказий Осиё дунганларини ўрганишга бўлган қизиқишнинг кучайиши билан боғлиқ равишда ушбу йўналишида қатор янги тадқиқотлар эълон қилинди ва мазкур илмий йўналишдаги тадқиқотлар янги босқичга кўтарилди¹⁵.

¹² Савуров М. Д., Савуров М. М. Одежда, украшения и предметы быта дунган Центральной Азии. – Ташкент: Национальная библиотека имени Алишера Навои, 2017. – С. 10.

¹³ Амитин-Шапиро З. Л. К истории изучения дунган // Труды ИЯЛИ КиргФАН СССР, 1948. Вып. 3. – С. 97–112.

¹⁴ Юсупов Х. Образцы фольклора советских дунган (дооктябрьский период, книга 1). – Фрунзе: Илим, 1960. – 137 с.; Ўша муаллиф. Переселение дунган на территорию Киргизии и Казахстана. – Фрунзе: КГИ, 1961. – 80 с.; Ўша муаллиф. Хуэйзўди кулюр, кугэр, сэчуха лян цэхуар (Дунган мақол, матал ва топишмоқлари). – Фрунзе: Хырхызстан, 1984. – 133 с.; Ўша муаллиф. Песни советских дунган. – Фрунзе: Илим, 1981. – 67 с.; Шинло Л. Социалистические преобразования в хозяйстве, культуре и быте дунгане. – Фрунзе: Илим, 1982. – 135 с.; Его же: Социалистические преобразования в хозяйстве, культуре и быте дунгане. – Фрунзе: Илим, 1982. – 135 с.; Сушанло М. Дунгане Семиречья (дооктябрьский период (исторический очерк)). – Фрунзе: Илим, 1959. – 105 с.; Ўша муаллиф. Очерки истории советских дунган / Под. ред. Стратановича. – Фрунзе: Илим, 1967. – 292 с.; Ўша муаллиф. Дунгане: (исторично-этнографический очерк). – Фрунзе: Илим, 1971. – 305 с.; Ўша муаллиф. Борьба дунган против Цинской династии и переселение их в Киргизию и Казахстан / Дунгановедение. Труды по востоковедению. Oriental Studies V. – Тарту: 1979. – С. 22–66; Ўша муаллиф. Счастливая судьба малых народов / Материалы по востоковедению. – Фрунзе: Илим, 1982. – С. 87–94.

¹⁵ Савуров М. Д., Савуров М. М. Дунганская семья: прошлое и настоящее / Изд. 2-е. доп. – Ташкент: 2015. – 207 с.; Ўша муаллифлар. Современные этнические процессы у национальных групп Узбекистана. – Ташкент: Национальная библиотека Узбекистана им. А. Навои, 2016. – 188 с.; Ўша муаллифлар. Из этнографии дунган Центральной Азии. – Ташкент: Национальная библиотека Узбекистана им. А. Навои, 2018. – 204 с.; Ўша муаллифлар. Ономастика дунган Центральной Азии. – Ташкент: Национальная библиотека Узбекистана им. А. Навои, 2018. – 176 с.; Ўша муаллифлар. Народные игры, состязания и развлечения дунган. – Ташкент: Vakrtia press, 2019. – 160 с.; Хўжаев А. Хитойда ислом дини, мусулмонларнинг ҳозирги аҳволи ва уларни ўрганиш масалалари / Ислом ва хорижий Шарқ. – Тошкент: 1992. – Б. 40–42; Ўша муаллиф. Тунгонлар // Шарқшунослик. 1995. №6. – Б. 135–139; Ўша муаллиф. Тунгонлар // Турон тарихи. 2002. – Б. 9–14; Ўша муаллиф. Хитойдаги мусулмонлар // Сирли Олам. 2002. №11–12. – Б. 18–19; Ўша муаллиф. Хитойдаги мусулмонлар // Сирли Олам. 2003. №1. – Б. 8–9; Ўша муаллиф. Ўрта асрлардаги Хитойда ислом цивилизациясининг ривожланишига ўзбекистонликлар аждодларининг кўшган хиссаси / Сборник тезисов и докладов международной конференции. – Тошкент-

Хуллас, тадқиқотларнинг тарихшунослик таҳлили кўрсатдики, ўтган йилларда бажарилган тадқиқотларда дунганларнинг этник тарихи, урф-одатлари, анъаналари ва маросимлари ҳақида айрим этнографик маълумотлар қайд қилинган бўлса-да, Ўзбекистон дунганларининг этномаданий ўзликни англаши масаласи махсус ўрганилмаган. Қолаверса, муаммовий нуқтаи назардан дунганшунослик тадқиқотларининг таҳлили орқали шуни қайд этиш мумкинки, бажарилган тадқиқотларнинг асосий қисми дунган тили ва алифбосига бағишланган. Шунингдек, дунган тили масаласи юқорида қайд қилинган тўртта даврда ҳам эътибордан четда қолмаган. Миллий ўзликни англаш жараёнида тилнинг ўрни юқори бўлганлиги учун ҳам дунган тилини тадқиқ этиш, ўрганиш ва тараққий эттириш соҳа мутахассисларининг доимий диққат марказида бўлган.

Диссертациянинг “**Дунганларнинг этномаданий ўзликни англашига таъсир этувчи омиллар**” деб номланган иккинчи бобида дунганлар этномаданий ўзликни англаши шаклланишига таъсир қилган энг асосий омиллар сирасига кирувчи тил ва дин масаласига асосий эътибор қаратилди.

Иккинчи бобнинг дастлабки параграфи “**Этномаданий ўзликни англаш тушунчаси ва унинг моҳияти**”ни очиб беришга бағишланган.

Этнологик адабиётлардан маълумки, “ўзликни англаш” – “идентиклик” атамаси лотинча сўздан олинган бўлиб, унинг ўзагини “*idem*”, яъни “худди ўзи” деган маънони англатади ва бирор-бир объектнинг турли ўзгаришларга қарамай, ўзлигини сақлаб қолиши жараёнига нисбатан қўлланилади. Тадқиқотда “идентиклик” тушунчасининг ўзбек тилидаги маънодоши сифатида “ўзликни англаш”, “мансублик” сўзларидан фойдаланилди. Ушбу атаманинг пайдо бўлиши ва илмий муомалага киритилиши ХХ асрнинг 40–50-йилларида америкалик психоаналитик Э. Эриксон номи билан боғлиқ¹⁶. Мазкур олим ўзликни англашни ўзига хос ижтимоий-маданий феномен сифатида тушунтиришда аввало, шахс ўзлигининг энг тубида жойлашган индивидуал ўзликни англашини тадқиқ этади. Э. Эриксон мансубликнинг тузилишини ўзаро тўлдирувчи ва бир-бири билан бирга ишловчи қоидаларга асосланган ҳамда ташқи ўзгаришларга қарамай, ўзлигини сақлаб қоладиган “эго-идентиклик” деб номлаган¹⁷.

Инсон туғилиши ва улғайиб бориши давомида унда ижтимоий, диний ҳамда миллий дунёқараш ривожланиб, натижада унинг маданий ўзликни англаши шаклланади. Киши қайси маданий мансубликни қабул қилиши кўпроқ индивидуал танлов бўлса-да, унинг бор имкониятларининг намоён бўлиши танланган жамият ва миллат даражасида амалга оширилади¹⁸. Шунга

Самарканд: 2007. – Б. 423–424; Ўша муаллиф. Этнические связи дунган и узбеков в средних веках / “Ўзбекистон Конституцияси – буюк келажакимиз қафолати” («Конституция Узбекистана – гарантия нашего великого будущего»). – Ташкент: 2009. – С. 302–308; Холмуродов Т. Дунганлар этномаданияти // Тафаккур. 2013. №3. – Б. 123–124; Ғаффоров Ш. Уйғурлар ва дунганларнинг Туркистонга кўчирилиши тарихидан // Жамият ва бошқарув. 2002. №4. – Б. 45–47;

¹⁶ Look: Erikson E.H. Identity and the Life Cycle. – New York: 1959. – 152 p.

¹⁷ Эриксон Э. Г. Проблема эго-идентичности // Реферативный журнал. Серия «Социология». 1991. №1. – С. 173–200.

¹⁸ Хўжахонов И., Аскарлов М. “Идентиклик” тушунчаси таҳлили ва замонавий ўзбек мансублиги муаммосининг ўрганилиш тарихидан // Тамаддун нури. 2019. №.6 (23). – Б. 46.

асосан, этномаданий ўзликни англаш инсоннинг ҳам индивидуал, ҳам жамоавий ўзликни англашини кўрсатиб беради. Демак, этномаданий мансублик – жамиятнинг бирлиги, бутунлигини сақлашга ва унинг бошқа жамиятларга қараганда ўзига хослигини кўрсатувчи кўзгудир¹⁹.

Глобаллашув жараёнида этномаданий ўзликни англашнинг ижтимоий, миллий ва диний қадриятларга асосланиши келажакда маданиятнинг ушбу жиҳатларига оид чегараларининг йўқолиб кетиш хавфини камайтиради. Шу жиҳатдан, глобаллашув жараёнига қарши тура оладиган маънавий ҳимоя бу – этномаданий ўзликни англашдир.

Юқоридаги сабабларга кўра, этномаданий ўзликни англашни чуқур илмий жиҳатдан ўрганиш, унинг асосий вазифалари, таркибий қисмлари, фаолиятини тўғри аниқлаш, унинг доимийлиги ва узвийлигини таъминлаш – яқин келажакда ўрганилаётган этноснинг “этномаданий ўзликни англаши”ни сақлаб қолишда муҳим асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда “ўзликни англаш” билан боғлиқ барча жараёнлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Этномаданий ўзликни англаш бу – шахснинг маданий белгиларига кўра у ёки бу этноижтимоий тузилма билан умумийлигини англаши ҳамда ушбу маданий умумийликнинг рухий кечинмалар орқали индивидуал ва жамоавий шаклдаги намойиши каби мураккаб ижтимоий-психологик ҳодисадир. Этномаданий ўзликни англаш, аввало, инсоннинг психологияси билан боғлиқдир. Унинг ташқи намойиши эса этноним орқали намоеён бўлади²⁰. Шу жиҳатдан ҳам мазкур муаммо психология, социология ва этнология каби фанларнинг туташган нуқтасида ўрганилади. Шу билан бирга, этномаданий ўзликни англаш тушунчасида этник ва маданий ўзликни англаш атамалари кесишади.

Дунганларнинг ҳаёти ва маданияти тараққиёт давомида доимий равишда ўзликни англаш борасида кескин ўзгаришларга учраган бўлиб, бу дунган этномаданий ўзликни англашининг ўзига хослигини ифодалайди.

Дунганлар араб, форс ва Марказий Осиёнинг мусулмон туркий халқларининг авлодлари, деб олинадиган бўлса:

- аввал улар Хитойда диний мансублик асосида бирлашди;
- Хитойга бориб ўрнашди ва у ерда ушбу мамлакат маданияти таъсирида ислом дини асосларида янги миллатни яратди ҳамда этномаданий ўзликни англаш шаклланди;
- XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср ўрталарига қадар Марказий Осиё худудига кўчиб ўтиб, аввалига Россия империяси, кейинчалик эса Совет Иттифоқи халқлари таркибида янги этномаданий ўзликни англаши юзага келди;

¹⁹ Михайлова М. А. Этнокультурная идентичность в условиях культурной глобализации // Вестник Бурятского государственного университета. – Улан-Удэ: 2013. №14. – С. 191.

²⁰ Буденкова В., Савельева Е. Идентичность как предмет теоретико-методологического анализа: модели и подходы // Вестник Томского государственного университета. – Томск: 2016. №1 (21). – С. 38.

– Совет давлати парчалангач, дунганлар истиқомат қилиб келган ҳудудда учта мустақил республикалар ташкил топди ва сўнгги 30 йил давомида дунганларда янги фуқаролик мансублиги шаклланди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиш керакки, ўзликни англаш тушунчасининг пайдо бўлиши билан бирга унинг тадқиқот объекти шахсдан жамиятга кўчиши бу борадаги тадқиқотларни янада кенгайтиришига олиб келди.

Диссертациянинг иккинчи бобини *“Дунганлар этномаданий ўзликни англашининг шаклланишида ислом дини ва диний анъаналарнинг ўрни”* деб номланган кейинги параграфда дунганларнинг халқ сифатида шаклланиш жараёни ва унда ислом динининг тутган ўрни таҳлил қилинган.

Тарихдан маълумки, дунганларнинг халқ сифатида шаклланишида ислом дини муҳим аҳамият касб этган. Мазкур жараён Хитой ҳудудига ислом дини тарқалиши даврида бошланган бўлса-да, бироқ уларнинг халқ сифатида шаклланиши XIII–XIV асрларга тўғри келади.

Дунганлар Хитой маданиятидан ўзини айнан диний омил асосида ажратиб туради ва уларнинг диний ўзликни англаши алоҳида халқ бўлиб шаклланишида энг муҳим ўринни эгаллаган. Бунинг сабаби, дунган маданиятини хитойликдан ажратиш қийин. Шунинг учун ҳам дунганлар диний чегарани жуда маҳкам тутди. Бироқ, маконнинг ўзгариши этномаданий ўзликни англашдаги омиллар ўрнини алмаштиришига олиб келди. Яъни, дунганларнинг Марказий Осиё ҳудудига кўчиб ўтиши ва маҳаллий мусулмон аҳоли билан ўртадаги чегарани дин орқали ўтказиш имконсиз бўлиб қолди. Натижада, энди этномаданий ўзликни англашда энг асосий омил бу дунган тили сифатида ўзгарди.

Ўзликни англаш бевосита жамоа ёки шахс ўзидаги бор нарсани бошқа жамоа ёки шахсдаги айнан ушбу ҳолат билан солиштиришда кўриниши маълум. Ушбу фикрни нафақат дин, балки маданият ва тилга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Мазкур фикрлар дала тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган. Респондентлар билан суҳбат асносида: “Нима учун маданиятдаги ўзига хослик ва тилни сақлаб қолиш керак?”, деб сўралганида, уларнинг деярли кўпчилиги (93 %) гарчи ўзликни англаш ҳақидаги тушунчаларга эга бўлмасадан, “ўзингни бошқалардан фарқ қиладиган дунганларга хос “нимангдир” бўлмаса, дунганман деёлмайсан” мазмунидаги фикрларни билдирди. Хитойлик дунганларнинг наздида эса этномаданий мансубликни сақлаб қолишнинг энг муҳим омили исломдир. Демак, этномаданий ўзликни англашнинг қайси омилига хавф юқори бўлса, жамоа ўшани сақлаб қолишга интилади, бор диққатини маданиятнинг айнан хавфга учраган жиҳатини асрашга ва ривожлантиришга қаратади.

Ушбу бобнинг *“Тил – миллий ўзликни англашнинг муҳим омили”* номли учинчи параграфда дунган тилининг шаклланиши, ривожланиши ва унинг Ўзбекистон дунганлари этномаданий ўзликни англашидаги ўрни масалалари ёритилган. Маълумки, дунган тили хитой тили асосида шаклланган бўлса, унинг кейинги ривожланиши бевосита ислом динининг таъсирида араб ва форс тилларидаги кўплаб сўзларни ўзлаштириши билан давом этди. Ўзлашган сўзларнинг келиб чиқиши арабий, форсий ва туркий

асосга эга бўлса-да, улар фонетик жиҳатдан хитой тилига мослаштирилди. Масалан, ҳаракат (ар.) – harraket (дун.), маййит (ар.) – maiti (дун), асман (форс.) – osman (дун), ўйин (туркий) – wuinoŋq (дун) ва ҳ.к.

Дунганларнинг Ўзбекистон ҳудудига кўчиб ўтиши билан уларнинг тили яна янги ташқи таъсирларга учради. Натижада, дунган тили мустақил тил сифатида шаклланди. Хитой тилидан алоҳида бўлиб ажралиб чиққанига бир ярим аср бўлган ушбу тил мустақил ривожланиш йўлини босиб ўтиши натижасида кўплаб янги сўз ва иборалар ўзлаштирилди.

Тилининг этномаданий ўзликни англашдаги ўрни дунганлар ҳаётида юқори бўлиб, у асосида дунганлар ўз фарзандларини ёшлигидан миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда энг асосий восита сифатида фойдаланади. Дунганларнинг катта қисми ўз миллий тилининг йўқотилиши миллий ўзликни англашнинг нутилиши сифатида баҳолайди. Улар ўшлик ва Фарғона водийсида яшовчи, ўз тили ҳамда маданиятини унутган дунганлар тақдири ўзлари билан ҳам такрорланишини истамайди ҳамда буни энг муҳим сабоқ сифатида билади.

Тил миллатнинг миллий руҳи эканлигини англаган дунганлар бугунги кунга қадар ҳам ўз она тилини асрашга ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун мактабларда хитой тилини ўргатиш ва оилада дунганчада мулоқот қилиш орқали ўзликни сақлашга интилади.

Иккинчи боб юзасидан хулоса сифатида шуни қайд этиш мумкинки, дунганларнинг тарихий ватанида халқ бўлиб шаклланишида ислом дини муҳим асос бўлган. Мазкур ҳолат ҳозир ҳам Хитойдаги дунганлар ҳаётида бирламчи аҳамиятга эга. Лекин, уларнинг Марказий Осиёга кўчиб ўтиши орқали диний омилнинг ўрнига дунган тили этномаданий ўзликни англашнинг асосига айланди.

Диссертациянинг учинчи боби *“Дунган жамияти ва миллий маданиятидаги замонавий ўзгаришлар”* деб номланган. Ушбу бобнинг *“Шахс ижтимоийлашуви ва замонавий дунган этномаданий ўзликни англашнинг ўзига хос хусусиятлари”* номли биринчи параграфида дунганларнинг ижтимоийлашуви, унга оила, жамоа ва таълимнинг таъсири масалалари таҳлил қилинган.

